

“ 12 ” 01 2022 йил

ШАРТНОМА № 1

Бух. к. оқлат

Тошкент шаҳар

30% = 1140000000

Устав асосида фаолият юритаётган «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi» Давлат унитар корхонаси директори С.Х.Кариев (кейинги ўринларда – “Буюртмачи”) бир томондан ва Патент асосида фаолият юритаётган «RAXIMOVA NIGORA ABDUXAMID QIZI» Яқка тартибдаги тадбиркор (кейинги ўринларда – “Ижрочи”) иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар қуйидаги мазмунда мазкур шартномасини туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома “Тарафлар” ўртасида даставвал тузилган (10.01.2020 йилдаги 5 – сонли, 13.01.2021 йилдаги 2 – сонли, 14.04.2021 йилдаги 3 – сонли, 17.07.2021 йилдаги 1688528 – сонли, 17.07.2021 йилдаги 1688543 – сонли, 17.07.2021 йилдаги 1688536 – сонли ва 15.10.2021 йилдаги 27 – сонли) шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ 3953- сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви Миллий агентлигининг 07.12.2018 йилдаги 02/16-1-4820- сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953- сонли қарорига асосан давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар Рўйхати”га асосан риоя қилинган.

1.2. Бошқа етказиб берувчи томонидан хизмат кўрсатиш имконияти бўлмаган тақдирда, етказиб берувчи томонидан аввал олиб келинган товарлар (ишлар, хизматлар)га кафолат муддати тугагандан кейин ва жорий хизмат кўрсатиш (эҳтиёт қисмларни харид қилиш), шунингдек, аввал харид қилинган дастурий маҳсулотни кузатиш ва (ёки) уни функционал кенгайтириш мумкин.

1.3. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га лабораториядаги тажриба ишлари учун ҳайвонларни (кейинги ўринларда – “Товар”) топширади ҳамда “Буюртмачи” эса, ўз навбатида “Ижрочи” томонидан юборилган электрон счет-фактураларни қабул қилади ва тўловларни амалга оширади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Ижрочи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- “Буюртмачи” томонидан тақдим этиладиган ёзма мурожаат, шунингдек ижтимоий тармоқ орқали буюртма асосида “Товар” олиб келиш;
- мазкур шартномага мувофиқ, ўз вазифаларини шахсан ёки ўзга шахс орқали бажариш;
- амалга оширилган ишлар юзасидан электрон счет-фактураларни тузиш ва тақдим этиш;
- мазкур шартнома шартларига ва амалдаги қонунчилигига риоя қилиш;
- бажариладиган иш ҳажмини муқаммал ва сифатли даражада амалга ошириш;
- ёнғинга қарши курашиш, санитар-гигиеник, тозалик ва озодлик борасида қоидаларга риоя қилган ҳолда, чора-тадбирларни кўриб қўйиш;
- мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

2.2. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- “Ижрочи” томонидан тақдим этиладиган “Товар”ни кўздан кечириш ва қабул қилиш;
- мазкур шартнома шартларига ва амалдаги қонунчилигига риоя қилиш;
- ҳақ суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда “Ижрочи”га тўлаш (тўлаб бериш);
- мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳуқуқларга ва мажбуриятларга эга.

III. ҲАҚ ТўЛАШ ШАРТЛАРИ, ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ, ШУНИНГДЕК ТОВАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ТОПШИРИШ ЖАРАЁНИ

3.1. “Буюртмачи” томонидан тақдим этиладиган ёзма мурожаат, шунингдек ижтимоий тармоқ орқали буюртма асосида “Товар”ларни “Ижрочи” олиб келади.

3.2. “Товар”ларнинг номинал нархи мазкур шартноманинг иловасида қайд этилган.

3.3. Шартноманинг умумий тахминий баҳоси 380 000 000 (уч юз саксон миллион) сўм миқдорини ташкил қилади.

3.4. Мазкур Шартноманинг умумий тахминий баҳосидан 30 % (ўттиз фоиз) миқдорида “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига 3 (уч) календар кун ичида ўтказиб берилади.

3.5. “Товар”лар нархи ўзгарган тақдирда, “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га зудлик билан ёзма равишда хабардор қилади ва “Тарафлар” ўртасида қўшимча келишув расмийлаштирилади.

3.6. “Буюртмачи”га тақдим этилган электрон счет-фактура 3 (уч) кунлик муддат ичида расмийлаштириб бериши ва “Ижрочи”нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиб берилиши лозим.

3.7. “Ижрочи” томонидан олиб келинган “Товар”ни “Буюртмачи”нинг ўзи ёки вакили томонидан қабул қилиниб олинади. Ушбу жараён “Тарафлар” ўртасида тузилган номланиши, миқдори ва суммаси кўрсатиладиган далолатнома ҳисобланади.

3.8. Мазкур далолатнома расмий ҳужжат ҳисобланиб, “Ижрочи”га хизмат ҳақини тўлаб бериш учун асос ҳисобланади. Далолатнома икки нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бири “Буюртмачи”да, бири эса “Ижрочи”да

сақланади.

3.9. Шартноманинг суммасини тўлаш тартибини Тарафлар ўртасида келишиб олинishi ёки иш ҳажмига қараб белгиланиши мумкин.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ, НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафларнинг жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига асосан белгиланади.

4.2. "Тарафлар" мазкур шартномасида назарда тутилган шартларни бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик учун қонунчиликка мувофиқ ҳамда норматив ҳужжатлар ва мазкур шартномасининг хусусиятларини ҳисобга олиб, жавобгарликка тортиладилар.

4.3. "Тарафлар" ўртасида юзага келган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар ўтказиш йўли билан, акс ҳолларда, Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

V. ФОРС – МАЖОР ҲОЛАТЛАР

5.1. "Тарафлар" шартнома шартларини бажариш пайтида мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда (табиий офатлар, шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бахтсиз воқеа ва ходисаларнинг юз бериши, уруш ҳаракатлари, давлат ҳокимият органлари қарорлари, вазирликларнинг барча учун мажбурий норматив ҳужжатлари ва бошқалар) олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

5.2. Мазкур форс-мажор ҳолатлари тарафлар томонидан исботланган тақдирда, жавобгарлик масаласи ҳал этилинмайди.

5.3. Бундай ҳолда, келишувни бажариш имкони бўлмаётган тараф иккинчи тарафни БИР кун олдин хабардор қилмаса, иккинчи тарафнинг кўрган зарарини тўлаб беради.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва шартнома юридик кучга эга.

6.2. Шартнома амал қилиш муддати 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

6.3. Шартноманинг муддати тугашига бир ой муддат қолганида, "Тарафлар" ўртасида ушбу шартнома шартларини тугатилишига бир-бирига мурожаат қилинмаган бўлса, шартноманинг муддати номаълум муддатга узайтирилади.

6.4. Мазкур шартнома икки асл нусхаларда тузилди, улардан бири "Буюртмачи", иккинчиси "Ижрочи"нинг ихтиёрида бўлади.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

ИЖРОЧИ:

ЯТТ «RAXIMOVA NIGORA ABDUXAMID QIZI»
Тошкент ш. Юнусобод тумани, Сохибқор 5-тор
кўчаси 10-уй

Х/р: 20218000705110554001

НОҚИ А.Т. «Савдогарбанк» Шайхотохур филиали

СТИР: 534098527

Банк коди 01105

Телефон: +998(90) 980-38-38



ЯТТ

БУЮРТМАЧИ:

«Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika
ekspertizasi va standartlashtirish davlat markazi»

Давлат унитар корхонаси

Тошкент ш., Озод, Умаров тор кўчаси 16-уй.

АТИБ "Ипотека банк" Олмазор филиали

Х/р: 20210000700430522002

СТИР 201156614

Банк коди 00901

Тел: +998 (71) 249-47-93, +998 (71) 242-48-93



Директор

Шартноманинг бундай лойихаси ва шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома лойихасининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг нормалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мос келади ва ушбу шартномада нархларни белгилаш учун юрисконсулт жавобгар эмас.

Юрисконсулт

Виварий мудир

С.Т.Каримов